

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ИЛҒОР ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

саноат корхоналари фаолияти ривожда муҳим ўрин тутмоқда

Бўстонлик тумани ўзининг гўзал табиати, азим тоғларию шифобахш булоқлари билан маълум ва машҳур. Бугунги кунда туманда ишлаб чиқарилаётган маъданли сувлар ана шу зилол чашмаларнинг мусаффо оби-ҳаётини ўзида мужассам этгани билан ҳам кўпчиликка манзурдир.



Бунинг самараси ўлароқ, жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати билан юрдошларимизга манзур бўлмоқда. Асосий мақсадимиз ҳалқимизга сифатли маҳсулот етказиб бериш, — дейди корхона раҳбари Фахриддин Тошхўжаев. — Илгари мамлакатимизда минерал сувнинг фақат бир тури бўлиб, у

ҳам бўлса Ўзбекистондаги биргина заводда "Тошкент" номи остида ишлаб чиқарилади. Заводдан чиқадиган маҳсулот бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқатилар эди. Аммо, аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш учун бу етарли эмасди. Бугун Истиқлол шарофати билан юртимиз дўкон ва бозорлари

турли хил минерал ва ичимлик сувлари, шарбат ва лимонадлар билан лиқ тўла. Бу эса ишлаб чиқарувчилар орасида соғлом рақобатни юзага келтиради. Корхонада фаолият юритаётган малакали мутахассислар маҳсулотнинг қамрови ва турини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бежирим ва ўзига хос услубда турлича қадоқланаётган маҳсулотни хонадонлар ва ташкилотларга етказиб бериш йўлга қўйилган.

Сув маҳсулотларининг турли ҳажмдаги елим идишларга қадоқланиши истеъмолчилар учун қатор қулайликлар яратади, — дейди тадбиркор. — Чиройли қадоқланган маҳсулот харидор эътиборини тез тортади. Корхонамизда замонавий ва илғор технологияларнинг ишлаб чиқаришга кенг жалб этилиши маҳсулот сифати ва қадоқланиш ди-



зайнининг янада яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатаётир. Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўламининг тобора кенгайиб бораётгани шаҳару қишлоқларда саноатни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилиши шубҳасиз. Ишлаб чиқариш салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бораётган сари маҳсулотни экспорт қилиш йўлида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, корхона томонидан Қозоғистон, БАА, Қирғизистон давлатларига ичимлик ва минерал сувларини етказиб бериш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Фарход ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур НАХАЛЛОВ олган суратлар.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ЎРИНЛИ ЭЪТИРОЗЛАРГА АМАЛИЙ ЭЪТИБОР

Вилоят шаҳар ва туманларида маҳаллий ҳокимлик, тегишли корхона ва ташкилот раҳбарларининг халқ билан юзма-юз мулоқотлари режали давом этиб, бундай учрашувларда аҳолининг фаоллиги тобора ошиб бораёпти. Энг муҳими, жойлардаги кўпдан бери ҳал бўлмаётган камчилик ва муаммолар рўй-рост ўртага ташланиб, имкон даражасида ечимини топиб бормоқда.

Хусусан, Қибрай тумани ҳокими бошчилигида мутасадди раҳбарлар фуқаролар билан ўтказган ҳафталик сайёр учрашувлар давомида аҳолини ташвишлантираётган қатор камчилик ва нуқсонлар, пайсалга солиб келинган муаммолар баён этилди. Ҳар бир эътироз рўйхатга олинди, ижобий ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Учрашувда Ўнқўрғон қишлоғи, Навоий кўчасида яшовчи Зухриддин Асамов худуддаги эски ичимлик суви қувурлари чириб, тешилиб, таъмирталаб ҳолга келгани, аммо тегишли ташкилотлар бунга эътибор бермаётгани ҳақида эътироз билдирган эди. Шу ернинг ўзидаёқ туман "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонасига топшириқ берилди. Айти пайтда қувурларни таъмирлаш бошлаб юборилган.

Шу қишлоқ фуқароси Нарғиза Холматованинг бугунги кунда оғир бетоблиги, Ҳиндистонга бориб жарроҳлик амалиётидан ўтиш учун ёрдам сўраб қилган мурожаати қаноатлантирилди. Айти дамда Нарғиза Холматова "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ёрдамида Ҳиндистон сафарига бўлиб, муолажа олмақда.

Салор шаҳарчаси, "Маърифат" маҳалласининг Бобонюк кўчаси йўллари юк машиналари катнайвериши оқибатида ўйдим-чўқур бўлиб кетган, айниқса, 4-умумтаълим мактаби атрофидаги йўллар таъмирталаб ҳолга келган эди. Маҳалла аҳолининг учрашув чоғидаги талаби инобатга олинди, таъмирлаш ишлари 2017 йил дастурининг 1-чораги режасига киритилди.

"Бойжигит" маҳалласи фуқароси Л. Нўмонова маҳаллага ўрнатилган трансформаторда носозликлар кўпайиб кетгани оқибатида электр таъминоти тез-тез узилиб, аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганидан шикоят қилган эди. Туман электр тармоқлари корхонаси мазкур мурожаатдан сўнг трансформаторни қайтадан тўлиқ таъмирлаб, электр таъминотидаги узилишларни бартараф этди.

Янгиобод қишлоғи, "Алишеробод" маҳалласида болалар ва ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароит яратилмаган. Маҳалла вакилларининг учрашувдаги талабларига мувофиқ туман архитектура ва қурилиш бўлими бу масала атрофида ўрганмоқда. Бундан ташқари, 19-мактабда ва Чингелди касб-хунар коллежида спорт тўғрақлари очилиб, маҳаллий ёшлар учун имконият яратилди.

Тузель қишлоғининг, "Чинор", "Баҳор", "Товкентепо" маҳаллалари вакиллари билан учрашув чоғида ичимлик суви таъминоти ва юки меъёрдан ошиб кетган электр трансформатори билан боғлиқ муаммолар ўртага ташланди. Туман "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонаси мутахассислари мазкур маҳаллалардаги вазиятни ўрганиб, таъминоти 2017-2018 йиллар режасига киритилди. Мутасаддилар трансформаторни 2017 йил якунига қадар алмаштиришга ваъда беришди.

Давоми 2-бетда. ➡

Яқинда бир журналда оддий ичимлик суви ҳақидаги қизиқарли маълумотларга кўзим тушди. Унда айтилишича, инсон овқатсиз бир ой, ичимлик сувисиз эса бир ҳафтагина яшashi мумкин экан. Қизиг-а? Сув инганда одамнинг танасидаги тери тўқималари ҳам, мушаклари ҳам тин олиб, зарур минералларга тўйинар экан.

2003 йилнинг май ойида ишга тушган "HydroLife Boottlers" масъулияти чекланган жамиятида дастлаб, 2 та ишлаб чиқариш линияси бўйича 40 нафарга яқин ходим фаолият юритади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида эса, бугунги кунга келиб корхонада 193 киши ишлаб чиқаришнинг 8 йўналиши бўйича иш билан банд. Корхона йилига 80 миллион қадоқда маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Энг асосийси, бу ерда маҳаллий аҳоли ва касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳам иш билан таъминланган.

Коллежни тамомлаб қаерда ишлашга бошим қотиб турганда амаким шу корхонада битирувчилар учун бўш иш ўринлари яратилгани ҳақида айтиб қолди, — дейди Иброҳим Раҳматиллаев. — Бу ердаги фаолиятим давомида кўп нарсани ўргандим. Энг муҳими, бўш вақтимизда китоб ўқиш учун кутубхона ҳам мавжуд.

Бугунги кунда корхонада ишчилар учун барча шароит яратилган. Хусусан, махсус автобус узокдан қатновчилар хизматида. Ошхона ва дам олиш хоналари ҳам ходимлар ихтиёрида. Бу эса, шубҳасиз, ҳар ким ўз ишидан рози бўлишини таъминлайди.

Семинар

Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳалқимизга хос юксак фазилатдир. Қайси хонадонда бобо ва момолар бўш бўлса, ўша оилада тарбия, муҳит ўзгача бўлади. Бажарадиган ҳар бир ишимиз ва ўйлаган мақсадларимиз йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни уларнинг маслаҳати, дуолари билан бошлаймиз, ҳаётий тажрибаларига таянамиз. Дарҳақиқат, "Қариси бор уйнинг — париси бор".

КЕКСАЛАР ДУОСИ — УМРИМИЗНИНГ ЗИЁСИ

Пойтахтимиздаги "Шодлик Палас" меҳмонхонасининг анжуманлар залида "Ўзбекистон фахрийларининг жамияти ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаолиятини ёритишда ОАВнинг ўрни ва роли" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарда тегишли ташкилот вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Оилам мустаҳкам, фарзандим одамлар ҳавас қиладиган, тарбияли бўлиб воёга етсин, деган инсон, аввало, ўз ота-онасини қадр-

лашга, дуоларини олишга интилади, — дейди Республика маънавият тарғибот маркази бўлим мудири Зиёда Фаффорова. — Шундай экан, ҳаммиз уларга эҳтиром кўрсатиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Сўнгги йилларда юртимизда қабул қилинаётган ҳужжатлар кексаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифатини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Семинар-тренингда қатнашчиларга шу каби масалалар бўйича атрофича маълумотлар берилди ва керакли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Лазиз ИСҲОҚОВ.

"КАМОЛОТ" САРҲИСОБИ

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, айниқса, тизимли асосда фаолият юритмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Жумладан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг касб-хунар сирларини эгаллашларига ҳисса қўшиш, иқтидорларини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш йўналишларидаги саъй-ҳаракатлар юксак самара бермоқда. Хусусан, ташкилот томонидан ўтказилаётган турли танлов ва лойиҳалар ёшларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш билан бир қаторда, уларда Ватанга садоқат, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини юксалтиришга ёрдам бераётир. Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ҳам бу борада кўплаб жайрли ташаббусларни тарғиб қилиб келмоқда.

Давоми 2-бетда. ➡

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.



Пайшанба — жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

МАҚСАД — ОСОЙИШТАЛИКНИ САҚЛАШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йилнинг 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида "Пайшанба — жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни" деб эълон қилинган эди.

Яқунланаётган ҳафтада ҳам вилоятимизнинг туман ва шаҳарларида ана шу йиғилишда белгилаб берилган вазифалар ижроси бўйича "Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни" доирасидаги тадбирлар давом этди. Уларда кўтарилган масалалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинмоқда.

Пискент тумани ички ишлар бўлими раҳбарияти

томонидан "Келовчи", "Гулистон", "Намуна" каби маҳаллаларда ўтказилган йиғилишларда соҳа вакиллари худудлардаги аҳолининг турмуш тарзи билан яқиндан танишдилар. Жойларда фуқароларни сайёр қабул қилиш йўлга қўйилиб, нафақат ижтимоий, балки ҳуқуқий масалалар бўйича ҳам уларни қизиқтираётган саволлар, юзага келаётган муаммоларга шу ернинг ўзида ечим топишга алоҳида аҳамият берилиб, билиб-билмай қилинган жиноятларнинг салбий

оқибатлари, ёшларни ёт иллатлар таъсиридан асраш, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритилмоқда.

Бу каби тадбирлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятида ошқораликни таъминлаб, уларнинг халқ билан янада яқин бўлиши, аҳолининг прокуратура ва ички ишлар органлари ходимларига ишончи ортишига, турли ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаб, олдини олиш ҳамда жамиятимизда қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Юлдажон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ЎРИНЛИ ЭЪТИРОЗЛАРГА АМАЛИЙ ЭЪТИБОР

Ёнариқ қишлоғи "Меҳнат" маҳалласидаги намунали уйларда яшовчи фуқаролардан учрашувда турар-жой табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви билан тўлиқ таъминланмагани ҳақидаги мурожаатлар келиб тушди. Тегишли ташкилотлар ушбу мурожаатларга вақтида эътибор қаратиб, намунали уйлардаги 5 та хонадон табиий газ ва электр тармоғига

улашишни таъминлади. Қишлоқдаги "Ёнариқ" маҳалласи вакиллари билан учрашувда мутасадди раҳбарлар эътибори "Маданият" қишлоқ врачлик пунктида кардиолог ва невропатолог шифокорлари йўқлиги, бирламчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун доридармонлар етишмаётгани, умуман, "Тез ёрдам" хизматининг қониқарсизлигига қаратилди. Аҳоли талабларини қондириш мақсадида

туман тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пунктига "Тез ёрдам" машинаси ажратди. Шунингдек, учрашувда тилга олинган бошқа камчилик ва нуқсонларни ҳал этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди. Дўрмон қишлоғидаги учрашувда қарилик нафақаси вақтида берилмаётгани, қишлоқ врачлик пункти биноси иситилмаслиги боис беморлар қийналаётгани, ҳудуд аҳолиси учун болалар

боғчаси зарурлиги, кўп қаватли уйлардаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти қониқарсиз экани каби камчилик ва муаммолар тилга олинди. Муаммо муаммоларни ҳал этишга қаратилган чоралар тадбирлар 2017 йил дастурига киритилди. Шунингдек, қишлоқнинг "Нурафшон" маҳалласида яшовчи Меҳри Солижонованинг мурожаати эътиборга олиниб, нафақа пулини ўз вақ-

тида олиши таъминланди. Қипчоқ қишлоғи фуқароларининг Ҳосилдор ва Олмасор кўчаларида болалар боғчаси қуриш, Фаровон турмуш кўчасида трансформатор ўрнатиш зарурлиги хусусидаги мурожаатлари юзасидан ҳозирча аниқ чоралар кўрилгани йўқ, бироқ имкониятлар изланмоқда.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Мамлакатимизда илм-фан йўлида изланаётган ёшлар, хусусан, ёш веб-ихтирошчилар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётир. Интернетда миллий веб-сайтларни яратишга қаратилган кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Zvonet жамоат ахборот таълим тармоғи, Kibon.uz каби бир қатор сайтлар ёшларга ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатиш, адабиётлар ва янги нашр этилган китоблар ҳақида маълумотлар бериш бораборада уларнинг электрон вариантларини тақдим этиш бўйича салмоқли ишларни амалга ошираётир.

СОҒЛОМ АХБОРОТ ЭЪТИЁЖИ

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 15 сентябрда қўйилган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги янги қонуни бу борадаги ишларни янада тақомиллаштириш ва янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган навқирон авлод вакиллари вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу ишлар замирида ёшларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, шунингдек, уларни турли ёт ғоялар таъсирига тушиб, боши берк кўчаларга кириб қолишдан асрашдек олижаноб мақсад мужассам. Бугунги кунда интернет орқали тарғиб қилинаётган турли ғоявий ва ахборот хуржларидан ёшларимизни ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенга-

ши раиси Дониёр Қаримов. – Бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлиги ва фаоллигини ошириш, уларда мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, миллий қадрият ва анъаналаримизга асосланган мустахкам сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда мафқуравий иммунитетни шакллантиришга бағишланган давра суҳбатлари, учрашув ва семинар-тренинглار ўтказмоқдамиз.

Таълим муассасалари ва маҳаллаларда ташкил этилаётган бундай тадбирларда ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, носоғлом руҳдаги ахборотлар фарзандларимиз тарбиясига, ахлоқига, онги ва тафаккурига катта зарар етказиши, улардан эҳтиёт бўлиш, энг муҳими – доимо хушёр ва огоҳ бўлиш зарурлиги ҳақида сўз юритилмоқда.

Ҳолмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СОТУВЧИ ЧЕК БЕРМАСА...

демак, бу ерда бир гап бор

Бугун одамларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш ва ечим топиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда кўтарилаётган масалаларни таҳлил қилиш, келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бу орқали келгусида уларнинг олдини олиш борасида ҳам тизимли саъй-ҳаракатлар кўзга ташланаётти.



Таҳлиллар натижаси аҳолининг асосий мурожаат ва эътирозлари уй-жой, коммунал, транспорт хизмати, соғлиқни сақлаш, таълим, йўл, банк хизмати ва энергия таъминоти билан боғлиқ эканини кўрсатмоқда. Уларнинг қаторидан пластик карточкалар орқали савдо қилиш, пластик ва нақд пулга савдо қилиш ва нархлар номуносиблиги, терминаллар етишмаслиги каби қатор шикоят ва мурожаатлар ҳам ўрин олмақдаки, бу савдо тизимида ҳам етарли муаммолар борлигидан далолат беради.

Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан белгиланган тартибда чоралар кўриш борасида вилоят солиқ бошқармаси ва тизим инспекциялари томонидан кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили Олмалиқ шаҳридаги ишонч телефонларига келиб тушган му-

рожаатлар асосида тадбиркорлик субъектлари фаолияти ўрганилганда, кунлик нақд пул тушумини банкка топширмаслик ва пластик карта орқали савдода ортиқча ҳақ талаб қилиш ҳолатлари аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий ва молиявий жарималар белгиланди. Шунингдек, крим ҳужжатлари бўлмаган маҳсулотлар тегишли тартибда савдодан олиб қўйилди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, қонунчилигимизда савдо фаолияти, жумладан, пластик карточкалар орқали савдо қилиш тартиби белгилаб қўйилган. Хусусан, Солиқ кодексининг 72-моддасида чакана ва пуллик хизмат кўрсатиш объектлари назорат-касса машиналари ва пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилувчи терминаллар билан жиҳозланиши шартлиги кўрсатилган. Шунингдек, кодекснинг 119-моддасига асосан, яқка тартибдаги тадбиркорларга фиксал хотирали назорат-касса машиналарисиз савдо қилиш ва пластик карточкалар орқали савдоларда ортиқча ҳақ талаб қилганликлари учун энг кам иш ҳақининг ўттиздан элик баробаригача жарима қўлланиши белгиланган.

Лобар АЗАМОВА,
Вилоят солиқ бошқармаси бош мутахассиси.

"КАМОЛОТ" САРҲИСОБИ

Яқинда Тошкент Давлат аграр университетиде ташкил этилган тадбирда шу ҳақда сўз борди. "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгашининг 2016 йилдаги Низом ва дастурлари ҳамда иш режасида белгиланган вазифалар ижроси, шунингдек, ютуқ ва камчиликлар сарҳисоб қилинган йиғилишда вилоят ҳокимлиги вакиллари, ҳаракат аъзолари, ҳамкор ташкилотлар ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ўтган йил – Бошланғич 1-бета.

лар давомида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 387 минг нафардан ортиқ вилоят ёшлари ҳаракат тартибда фаоллик кўрсатиб келишмоқда. Бугунги кунда ҳаракатнинг вилоят кенгаши таркибига умумтаълим мактаблари, академик лицей ва ўрта-маҳсус касб-хунар таълими муассасалари ҳамда идоралар қошида жами 1506 та бошланғич ташкилот мавжуд. Ҳаракат ҳоимчилигида фаолият юритувчи "Камалак" болалар ташкилоти ҳам ўз таркибига 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган 155 минг нафардан зиёд

қувчиларни бирлаштирган. Тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман ва шаҳар бошланғич ташкилотларининг бугунги кундаги фаолияти, эришилган ютуқ ва камчиликлари ҳамда келгусидаги вазифалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида бажарилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилиниб, чоралар тадбирлар режаси тасдиқланди.

Фирдавс РАВШАНОВ.

БИЗНЕС САРИ ИЛК ҚАДАМ

Ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш – бугуннинг долзарб вазифаси. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиб келинаётган "Менинг бизнес ғоям" кўрик-танлови ҳам ана шу ният рўйбига йўл очмоқда.

Куни кеча Бўстонлик туманида мазкур танловнинг худудий босқичи бўлиб ўтди. Унда ишбилармон йигит-қизлар ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

Танловнинг асосий мақсади ёшларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, уларга назарий ва амалий тавсиялар бериш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун бизнес режа тузишга кўмаклашишдан иборат, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимо-



ий ҳаракати туман кенгаши қошидаги "Ёш тадбиркор" маслаҳат маркази координатори Нурзода Алмедова. – Танлов доирасида тумандаги тижорат банклари, солиқ идоралари ва бошқа соҳа мутахассислари иштирокида маҳаллалар ва ўқув юртларида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилиб, бўлажак тадбиркорларга яратилаётган кенг имконият ва шароитлар, бизнес режа

тузиш, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, бозорни ўрганиш талаблари каби масалалар юзасидан атрофлича маълумот ҳамда тушунтиришлар берилди. Бунинг натижасида туманимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар сафи ортиб бормоқда.

Танловда бизнес ғояси ҳар жиҳатдан мукамал бўлган ёшлар унинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Нурихон МУҲИТОВА.

Эътибор

Аҳоли саломатлигини асраш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий-профилактика ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини юксалтириш...

МАРКАЗ ШИФОКОРЛАРИ ОҚҚЎРҒОНДА

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Хусусан, республика Онкология илмий маркази томонидан тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида қамровли тиббий-ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Малакали шифокорлар томонидан чекка қишлоқлардаги фуқаролар тиббий кўридан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича даволаш ишларини олиб бориш учун те-

гишли тавсиялар, зарур ҳолларда эса республика шифохоналарида даволаниш учун йўлланмалар берилмоқда. Яқинда ушбу марказнинг колонорктология бўлими ҳамда вилоят Ўлка касалликлари диспансерининг онколог шифокорлари Оққўрғон туманидаги қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, 45 нафар фуқарони яқка тартибда чуқурлаштирилган тиббий кўридан ўтказди. Ташхис натижалари бўйича зарур муолажалар

кўрсатилиб, тегишли тавсиялар берилди. Шу куни марказ мутахассислари томонидан тумандаги қишлоқ врачлик пунктлари ва амбулаториялари шифокорлари учун ўқув-амалий семинар ҳам ўтказилди. Унда малакали мутахассислар томонидан онкологик касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш ва даволаш профилактикаси юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди.

Ўз мухбириимиз.

Мутахассис тавсия этади

Кўчаларимизда автотранспорт воситаларининг кўпайиб бориши билан ёқилги-мойлаш ашёлари, хусусан, нефть маҳсулотларига бўлган талаб ҳам беқийс даражада ортаётир. Бундай вазиятда нефть маҳсулотларини тежамаслик, аксинча, уларнинг беҳуда исроф бўлишига йўл қўйиш охири-оқибат ёқилги тақчиллигига олиб келиши шубҳасиз.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқорилик-видли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги қарориде нефть қорхоналаридан харид қилинган маҳсулотлардан фақат ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилиши белгилаб қўйилган. Бинобарин, уни қай-

та сотиш қатъиян тақиқланади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, автобензин сақланаётган идишлар ва ёқилги қуйиш колонкаларидаги носозликлар туфайли 5-12 фоизгача қимматбахо маҳсулот исроф бўляпти. Автобензин силлинлари очиқ рангда бўлмагани, ностандарт идишларда тарқатилиши ҳам шундай йўқотишларга олиб келади. Қабул

қилиш ва сақлашда жиҳозларнинг носозлиги, автотранспорт бақларни меъёрдан ортиқча тўлдирish натижасида ҳам ёқилги исрофгарчилиги келиб чиқади. Ёқилги қуйиш шаҳобчалари ва мой алмаштириш пунктлари амалдаги қоғда ва техник талабларга сўзсиз жавоб бериши зарур. Ўлчов воситалари ва жиҳозлар "Ўзстандарт" агентлиги белгиланган тартибда тамғаланган бўлиши шарт. Ёқилги қуйиш шаҳобчаларининг республика ҳукумати томонидан тасдиқланган қоғдаларга мувофиқ ишлаши, маҳсу-

Партиялар ҳаётидан

ЭЗГУ ҒОЯЛАР ТАРҒИБОТИ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Инсон манфаати ҳамма нарсадан улуг" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ҳаракатлар стратегияси ва Давлат дастурининг туб негизиде "Инсон манфаати ҳамма нарсадан улуг" деган эзгу ғоя мужассам. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайлов олди дастури ва партия олдида қўйилган мақсад ва вазифалар ҳам шунга ҳамоҳанг. Бинобарин, бу жараён сиёсий партиялар ва депутатлик гуруҳлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Йиғилишда аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жой-

лар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга оширишда депутатлик бирлашмалари ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Партия маҳаллий кенгашлари, депутатлик гуруҳлари томонидан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини чуқур таҳлил этган ҳолда уларнинг ижтимоий таркиби қай даражада самарали амалга оширилаётганини тизимли мониторинг қилиш, ечимини кутаётган ва аҳолини ўйлантираётган масалалар юзасидан тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш, давлат ва бошқарув органлари билан ҳамкорликда муаммони жойида ҳал этиш чораларини кўриш лозимлиги алоҳида таъкидланди ва тегишли-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жой-

ЭНГ ФАОЛ АДОЛАТЧИ АЁЛ

Қибрай туманидаги 2-Болалар мусиқа ва санъат мактабиде "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, интилувчан аёлларни кўнгли-этиш ҳамда рағбатлантириш мақсадларида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан ташкил этилди. Унда иштирокчиларнинг сиёсий саводхонлиги, миллий қадриятларимиз тўғрисидаги били-

ми, оилада аёлларнинг ўрни борасидаги мулоҳазалари, шунингдек, ўзи яшаётган туманининг тарихи ва бугунги кундаги иқтисодий ривожланишига оид билимлари синовдан ўтказилди.

Танлов якунларига кўра, парктентик Муҳаббат Акбарова голиб бўлди ва беллашувнинг республика босқичига йўланмани қўлга киритди.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят Кенгашининг 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган X Пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва унинг депутатлик корпуси олдидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Президентимиз томонидан қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар, илгари сурилаёт-

ган эзгу ташаббуслар, аввало, инсон, унинг ҳаётини тўла рози бўлиб яшашига қаратилган бўлиб, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни янада ривожлантириш, тинч, файзу баракага тўла ҳаётимизни кўз қорачигидек асраб-авайлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган мажлисда кўрилган барча масалалар юзасидан партия фаоллари фикр-мулоҳазаси ва таклифларини билдиришди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ТЕЖАМКОРЛИК БАРАКАСИ

қилиш ва сақлашда жиҳозларнинг носозлиги, автотранспорт бақларни меъёрдан ортиқча тўлдирish натижасида ҳам ёқилги исрофгарчилиги келиб чиқади. Ёқилги қуйиш шаҳобчалари ва мой алмаштириш пунктлари амалдаги қоғда ва техник талабларга сўзсиз жавоб бериши зарур. Ўлчов воситалари ва жиҳозлар "Ўзстандарт" агентлиги белгиланган тартибда тамғаланган бўлиши шарт. Ёқилги қуйиш шаҳобчаларининг республика ҳукумати томонидан тасдиқланган қоғдаларга мувофиқ ишлаши, маҳсу-

лотларнинг сифат сертификати борлиги ва амалда уларнинг сертификатга мос келиши, давлат стандартлари, техник шартларга жавоб бериши мунтазам ўрганилиб борилади. Лицензия бичими талаблари бажарилмаган ҳолда ваколатли орган лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатади ва бекор қилади. Шунингдек, нефть маҳсулотларини меъёрдан ортиқча сарфлаш ва асоссиз ҳисобдан чиқариш ҳолатлари кузатилса, "Ўздавнефтегаз инспекция" қорхона ва ташкилотларга нисбатан "Ёқил-

ги-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоғдаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида"ги Низомга мувофиқ жарималар қўллади. Бир сўз билан айтганда, энергия ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, бу бойликни кесаллаж авлод учун ҳам асраш барчамизнинг инсоний бурчимиз эканини унутмайлик.

Жамол САЛИМОВ,
"Ўздавнефтегаз инспекция" худудий бўлими бош мутахассиси.

Реклама ва эълонлар

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда:
1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехова кўчасида жойлашган, умумий майдони 669,0 кв.м бўлган, 7 қаватли, ертўлали, 7-сонли тураржой биносининг биринчи қавати ва ертўласининг бир қисмидан иборат "ижтимоий, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш биноси" куйилмоқда, бошлангич баҳоси – 3 452 449 559 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 31 март куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 29 март куни соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 х/р.га тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамши кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: 228-80-26. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2017 йил 17 март куни соат 12.00 да мулкнинг бошлангич баҳоси босқичма-босқич оширилиши тартибда ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ЖИБ Тошкент вилояти, Қибрай тумани судининг 19.03.2012 йилдаги 1-49/12-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Нанай ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 326,0 кв.метр, фойдали майдони 61,75 кв.метр, 3 та яшаш хонасидан иборат дала ҳовли такроран куйилмоқда, бошлангич баҳоси – 41 240 259 сўм.

2017 йил 3 апрель куни соат 12.00 да мулкнинг бошлангич баҳоси босқичма-босқич оширилиши тартибда ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ЖИБ Тошкент вилояти судининг 18.01.2013 йилдаги 128/34-13-сонли ижро варақасига асосан, Зангиота тумани СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагида-

қурилиш майдони 414,16 кв.метрдан иборат "дала шийпони", бошлангич баҳоси – 42 465 822 сўм. Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагида-

ги талабгорлар тузиладиган закалат келишуви-га асосан мулк бошлангич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчининг АТБ "InfinitBANK"даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва арза билан куйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаш-

са, ўрнатилган тартибда расмий лаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслари – сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz. Лицензия RR 0173.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 30 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан Чиноз тумани ИИБ ТБнинг 2016 йил 31 май кундаги қарори ҳамда 14988/13-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, "Авзал омад" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 1. Ишлаб чиқарилган йилли номаълум, давлат рақами бўлмаган, техник носоз, "OPEL ASTRA" русумли, бошлангич баҳоси – 18 760 500 сўм. 2. Ишлаб чиқарилган йилли номаълум, давлат рақами бўлмаган, техник носоз, "OPEL ZAFIRA" русумли, бошлангич баҳоси – 11 990 700 сўм бўлган автотранспорт воситалари куйилмоқда.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Оқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 30 март кундаги аукцион савдоси учун 28 март соат 16.00 гача. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси кийматини 5 банк кун ичида тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефонлари: (371) 233-61-44, (+99895) 146-61-44. Гувоҳнома № 004593.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 2008 йил 27 августда "Media info" МЧЖга берилган реестр рақами 002755-05 бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 2016 йил 28 ноябрдаги 10709-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, "Бекобод цемент" АЖда сақланаётган: 1. "Volvo FH12" русумли, давлат рақами 100264FA бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошлангич баҳоси – 318 209 325 сўм. 2. "Volvo FH2T42A37G" русумли, давлат рақами 10T209DA, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошлангич баҳоси – 314 982 000 сўм. 3. "Schmitz SPR 24/L" русумли, давлат рақами 102808AA бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошлангич баҳоси – 47 131 150 сўм. 4. "Lamberet LVFS3F" русумли, давлат рақами 10/0333AA бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошлангич баҳоси – 62 219 825 сўм. 5. "ГБАММ34505" русумли, давлат рақами 10F758AA бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошлангич баҳоси – 75 575 550 сўм. 6. "ГБАСПГММ34505" русумли, давлат рақами 100463FA бўлган,

1987 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошлангич баҳоси – 71 240 700 сўм бўлган автотранспорт воситалари такроран куйилмоқда. Аукцион савдолари 2017 йил 13 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 10 март соат 18.00 гача.

Савдога Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 2013 йил 12 августдаги 7440-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, "Бекобод савдо" МЧЖда сақланаётган, "ИЖ-2125" русумли, давлат рақами 1109497 бўлган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси куйилмоқда, бошлангич баҳоси – 151 110 сўм.

Савдога Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 2012 йил 23 июндаги 7692-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, "Бекобод савдо" МЧЖда сақланаётган, "Москвич-2140"

русумли, давлат рақами 11V5694 бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси куйилмоқда, бошлангич баҳоси – 88 925 сўм.

Савдога Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 27.06.2016 йилда 1-2658/16-сонли Учтепа тумани ФИБ суди ижро варақаси ва 25779/24-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, "Абдусот Бахт Файз" ФХ, Иттифоқ ҚФЙда сақланаётган, "Т-130" русумли, давлат рақами 11-13ЕО бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, занжирли трактор куйилмоқда, бошлангич баҳоси – 31 782 000 сўм.

Аукцион савдолари 2017 йил 27 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 24 март соат 18.00 гача.

Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишуви асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 2021000030057145 2142, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун арза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А. Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел.: 233-49-31. 233-28-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001805.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси томонидан 2017 йил 29 март соат 10.00 да очик тендер ўтказилади

- 1. ВХ – 302 а "Сегизбоев ф/у – Тошкент (Жанурий вокзал)" (такрорий)
- 2. ВХ – 343 "Оққўрғон АШБ – Қўйлик АШБ" (такрорий)
- 3. ВХ – 396 "Бўка АШБ – Бекобод АББ" (такрорий)
- 4. ВХ – 267 "Бекобод АББ – Навбахор ф/у" (такрорий)
- 5. ВХ – 268 "Бекобод АББ – Бекобод ф/у" (такрорий)
- 6. ВХ – 223 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Паррандачилик фабрикаси" (такрорий)
- 7. ВХ – 227 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Янгийўл ф/у 3 – бўлим" (такрорий)
- 8. ВХ – 229 й.т. "А. Навоий номли маҳалла – Тошкент АББ" (такрорий)
- 9. ВХ – 230 й.т. "Янгийўл АШБ – Эпкенди қишлоғи" (такрорий)
- 10. ВХ – 231 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали – Имом Султон бува масжиди" (такрорий)
- 11. ВХ – 233 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали – Янги ҳаёт ф/у" (такрорий)
- 12. ВХ – 250 й.т. "Бўка АШБ – Туркистон ф/у. ("Дўстлик" маҳалласи орқали)" (такрорий)
- 13. ВХ – 252 й.т. "Бўка АШБ – Дўстлик ф/у. (Жамбул ф/у. ва Қорабоғ қишлоғи орқали)" (такрорий)
- 14. ВХ – 253 й.т. "Учарик – Марказий касалхона" (такрорий)
- 15. ВХ – 288 й.т. "Жунарик" маҳалласи – САИМЭИ НИХИ" (такрорий)
- 16. ВХ – 289 й.т. "Янгийўл АШБ – Миришкор қишлоғи" (такрорий)
- 17. ВХ – 295 й.т. "Янгийўл шаҳар деҳқон бозори – Кескен қишлоғи" (такрорий)
- 18. ВХ – 297 й.т. "Пахта хирмони – Гулбахор кўрғони" (такрорий)
- 19. ВХ – 307 й.т. "Ниёзбош қишлоғи – Гулбахор кўрғони" (такрорий)
- 20. ВХ – 310 й.т. "Оққўрғон деҳқон бозори – Янги ҳаёт ҚФЙ, Охунбоев бўлими" (такрорий)
- 21. ВХ – 311 й.т. "Оққўрғон деҳқон бозори – Дўстобод деҳқон бозори" (такрорий)
- 22. ВХ – 312 й.т. "Оққўрғон АШБ – Х. Олимжон ф/у" (такрорий)
- 23. ВХ – 313 й.т. "Оққўрғон почта бўлими – Қахрамон ф/у." (такрорий)
- 24. ВХ – 314 й.т. "Дўстобод – Янгийўл (Анарқулов бекати)" (такрорий)
- 25. ВХ – 315 й.т. "Алимкент кўрғони – Бўка АШБ" (Ўзбекистон ф/у орқали) (такрорий)
- 26. ВХ – 316 й.т. "Бўка – Гулистон ф/у" (Кўкорол орқали) (такрорий)
- 27. ВХ – 317 й.т. "Бўка – Қашқадарё ф/у" (Т. Ражабов орқали) (такрорий)

- 28. ВХ – 318 й.т. "Йилқичи" МФЙ – Қўйлик АШБ" (такрорий)
- 29. ВХ – 329 й.т. "Олмалик АШБ – Чилқори масжиди – Шовғосой қишлоғи" (такрорий)
- 30. ВХ – 338 й.т. "Тўқай ёқа қишлоғи – Ангрэн деҳқон бозори" (такрорий)
- 31. ВХ – 342 й.т. "Санаи қишлоғи – Ангрэн деҳқон бозори" (такрорий)
- 32. ВХ – 343 й.т. "Олмалик АШБ – Жар қишлоғи" (такрорий)
- 33. ВХ – 344 й.т. "Қайтмас қишлоғи – Тўйтепа АШБ" (такрорий)
- 34. ВХ – 347 й.т. "Жалолтепа" маҳалласи – Қўйлик АШБ" (такрорий)
- 35. ВХ – 349 й.т. "Олга қишлоғи (Курсой) – Жумабозор" (такрорий)
- 36. ВХ – 350 й.т. "Ангрэн деҳқон бозори – "Серго" маҳалласи" (такрорий)
- 37. ВХ – 368 й.т. "Паркент АШБ – Гулбоғ ҚФЙ хирмони" (такрорий)
- 38. ВХ – 370 й.т. "Янгибозор АШБ – Кавардон қишлоғи" (такрорий)
- 39. ВХ – 373 й.т. "Паркент АШБ – "Бодомтепа" МФЙ" (такрорий)
- 40. ВХ – 374 й.т. "Паркент АШБ – Сўқоқ қишлоғи" (такрорий)
- 41. ВХ – 376 й.т. "Янгибозор АШБ – Чумчуқжар қишлоғи" (такрорий)
- 42. ВХ – 377 й.т. "Янгибозор АШБ – Қорақалпоқ ф/у 2-бўлим" (такрорий)
- 43. ВХ – 378 й.т. "Паркент АШБ – Чанги қишлоғи" (такрорий)
- 44. ВХ – 379 й.т. "Паркент АШБ – Невич қишлоғи" (такрорий)
- 45. ВХ – 383 й.т. "Бойқозон – Истиқбол – Паркент – Бойқозон" (такрорий)
- 46. ВХ – 384 й.т. "Бирлик" маҳалласи – Қўйлик АШБ" (такрорий)
- 47. ВХ – 385 й.т. "Янгибозор АШБ – Жалолтепа қишлоғи" (такрорий)
- 48. ВХ – 387 й.т. "Паркент тадбиркорлик коллежи – "Тамабалак" МФЙ" (такрорий)
- 49. ВХ – 388 й.т. "Паркент АШБ – Кумушқон қишлоғи" (такрорий)
- 50. ВХ – 395 й.т. "Зафар шаҳарчаси – Бўка шаҳри" (такрорий)
- 51. ВХ – 401 й.т. "Дўстобод АШБ – Чиноз шаҳри (Гул орқали)" (такрорий)
- 52. ВХ – 402 й.т. "Хондайлик қишлоғи – Марказий шифохона" (такрорий)

- 53. ВХ – 404 й.т. "Ғалабасой қишлоғи – Фазалкент АШБ" (такрорий)
- 54. ВХ – 405 й.т. "Қизилтоғ қишлоғи – Паркент АШБ" (такрорий)
- 55. ВХ – 409 й.т. "Ангрэн АШБ – Тўқай ёқа қишлоғи" (такрорий)
- 56. ВХ – 411 й.т. "Олмалик АШБ – Убайт – Узар – Эйвалек кўрғони" (такрорий)
- 57. ВХ – 419 й.т. "Қўйлик АШБ – "Беларик" маҳалласи (23 – сонли ўрта мактаб бекати)" (такрорий)
- 58. ВХ – 420 й.т. "Қўйлик" бозори – "Дўстлик" маҳалласи – Сурум қишлоғи – Дўстлик ҚФЙ – 11-мактаб" (такрорий)
- 59. ВХ – 425 й.т. "Навоий ф/у. – 134-разъезд – Қўйлик АШБ" (такрорий)
- 60. ВХ – 428 й.т. "Қўқонбул" маҳалласи – Қўйлик АШБ" (такрорий)
- 61. ВХ – 435 й.т. "Ўзбекистон ф/у – Оқтепа ҚФЙ" (такрорий)
- 62. ВХ – 437 й.т. "Тўйтепа АББ – Бурғалик қишлоғи" (такрорий)
- 63. ВХ – 439 й.т. "Тўйтепа АББ – Ўртасарой – Қўйлик АШБ" (такрорий)
- 64. ВХ – 441 й.т. "Олим ота" МФЙ – Қўйлик АШБ" (такрорий)
- 65. ВХ – 406 й.т. "Қўйлик АШБ – "Намуна" маҳалласи" (Олмалик ш.)
- 66. ШИ – 22 й.т. "А. Навоий кўчаси – Аммофос ОАЖ" (Олмалик ш.)
- 67. ВХ – 415 й.т. "Муротали қишлоғи – Олмалик АШБ" (Тельман орқали)
- 68. ВХ – 320 й.т. "Олмалик АШБ – Эйвалек кўрғони" (такрорий)
- 69. ШИ – 4 й.т. "Азотчи" маҳалласи – "Куйи Жалор" маҳалласи" (Чирчиқ ш.)
- 70. ШИ – 5 й.т. "ЎзКТЖМ – 8-кичик ноҳия (2-азотчи)" (Чирчиқ ш.)
- 71. ШИ – 6 й.т. "КСМ – Айланма" (Чирчиқ ш.)
- 72. ШИ – 7 й.т. "Бўстон санаторийси – Пойабзал фабрикаси" (Чирчиқ ш.)
- 73. ШИ – 12 й.т. "ЎзКТЖМ – 3-кичик ноҳия (шаҳар парки)" (Чирчиқ ш.)
- 74. ШИ – 15 й.т. "8-кичик ноҳия – 5-фермерлар уюشمаси" (Чирчиқ ш.)
- 75. ВХ – 387 "Чирчиқ АББ – Паркент АШБ"
- 76. ШИ – 7 "ДЕПО – 5/2-кичик ноҳия" (Олмалик ш.)
- 77. ВХ – 416 й.т. "Олмалик АШБ – Тўйтепа АШБ"
- 78. ВХ – 431 й.т. "Тўйтепа АББ – Ғаладуқ қишлоғи"



- 79. ВХ – 228 й.т. "Янгийўл деҳқон бозори – Ўзбекистон станцияси"
- 80. ВХ – 341 й.т. "Охангарон АШБ – "Ҳўжақишлоқ" бекати"
- 81. ВХ – 345 й.т. "Тўйтепа АББ – Қучлик кўрғони"
- 82. ВХ – 399 й.т. "Дўстлик ф/у – Дўстобод АШБ – Отажонов ф/у"
- 83. ВХ – 400 й.т. "Дўстобод АШБ – Чиноз шаҳри (Меҳнатобод орқали)"
- 84. ВХ – 605 "С. Нахимов" божхона пости – чегара блок пости"
- 85. ВХ – 281 й.т. "Жунарик" маҳалласи – ЎзМЭИ"
- 86. ВХ – 507 "Қибрай АШБ – "Селекция" маҳалласи"
- 87. ВХ – 390 "Невич қишлоғи – Қўйлик АШБ"
- 88. ВХ – 649 й.т. "Қораманас қишлоғи – Абу Сахий" (Бордонқул орқали)
- 89. ВХ – 232 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – М. Улуғбек ф/у"
- 90. ВХ – 278 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Навоий ф/у"
- 91. ВХ – 280 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Х. Турсунқулов ф/у"
- 92. ШИ – 6 "ДЕПО – Аммофос ОАЖ" (Олмалик ш.)
- 93. ВХ-650 й.т. "Тўқимачи" маҳалласи – Назарбек кўприги"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати равишида ҳисобда турадиган автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишлари амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўришдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашиш учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил

йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас. Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди. Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга таклиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади. **Тендер ташкилотчиси** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси. **Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳкўчаси, 7-уй. Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи

ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳисоб рақамига АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Чилонзор бўлими, х/р: 20210000304661167001 (банк коди 00427, ИНН 300825470, ХТТУТ 51800)га 296 минг 730 сўм миқдорда пул ўтказиб, 2017 йил 24 март соат 17.00 гача бюртма беришлари лозим. Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси тендер таклифларини 2017 йил 28 март соат 17.00 гача қабул қилади. **Тендер ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳкўчаси, 7-уй. Маълумот учун телефон: (+99871) 279-39-22.

ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимининг йўлов

Касаба уюшмалари фаолиятдан

Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни спортнинг оммавий турларига кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарори билан, республикамиз бўйлаб спартакиада ўтказилмоқда. "Спорт - саломатлик гарови" шiori остида ўтаётган мусобақанинг туман ва шаҳар босқичларида турли касб эгалари спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол, баскетбол каби турлари бўйича беллашишмоқда.



СПОРТСЕВАРЛИК... КАСБ ТАНЛАМАЙДИ

Шу кунларда саломатлик спартакиадасининг ҳудудий босқичлари ўтказилмоқда

Оҳангарон туманидаги 52-умумтаълим мактабида ҳам спартакиаданинг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 30 га яқин жамоалар кейинги босқич йўланмаси учун курашишди.

Шахматга ёшлигимдан қизикман, - дейди мусобақа иштирокчиси, тумандаги 33-мактаб

ўқитувчиси Махсума Мақсудова. - Бежиз бу ўйинни "Ақл гимнастикаси" дейишмайди. Ишдан бўш чоғларимда ҳамкасблар билан донга суриб тураман. Мактабимизда ҳам шахмат тўрага фаолият кўрсатади. Бу ўйиннинг жозибасини болаларга етказишга ҳаракат қиламан, унинг мантқиқий фикрлаш санъатини ўсти-

ришини ҳар гал алоҳида уқираман. Бугун йўлингиз тушиб, мактабимизга борсангиз, ўнлаб юзлаб ёш шахмат ишқибозларини кўрасиз. Келажакда улар орасидан мактабимиз фахри бўладиган чемпионлар етишиб чиқишига ишонаман.

Дўстона руҳда, қадим воҳа аҳлига хос бўлган ўзаро самимий ҳазил-мутойибалар билан ўтган бахсларда мусобақанинг вилоят босқичи иштирокчилари аниқланиб, ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Худди шундай мусобақа Қибрай туманидаги 1-умумтаълим мактабида ҳам ўтказилди.

Волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка ҳамда бадминтон бўйича 100 дан ортиқ ҳаваскор

спортчи иштирок этган мусобақа ҳақиқий спорт байрамига айланиб, қизгин ва муросасиз беллашувларга бой бўлди.

Соҳа ходимларининг саломатлигини ўйлаб, уларни шу каби спорт мусобақаларига жалб этишни мақсад қилдик, - дейди туман касаба уюшмаси кенгаши раҳбари Дилором Мусаева.

Беллашувлар якунида ғолибларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари ҳамда Олмалиқ шаҳрида бўладиган республика спартакиадасининг вилоят босқичига йўланмалар топширилди.

Комилжон МАМАДКАРИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ ва Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.



БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН, ДЕСАНГИЗ...

Бекобод тумани умумтаълим мактабларида ота-оналар билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" жамоат кенгаши, синф раҳбарлари ва ўқитувчилар жамоасининг масъулиятини ошириш, ота-оналарни таълим тизимидаги янгиликлар ва ўқувчилар учун яратилаётган шарт-шароитлар билан таништириш мақсадида "Ота-оналар билан мулоқот кунини" ташкил этилди.

Ташаббус

Хусусан, тумандаги 6-умумтаълим мактабида ўтказилган мулоқотда 150 ота-она иштирок этди.

Мактаб маъмурияти тадбирга йиғилганларни, аввало, ота-оналар билан мулоқот хонасидаги шароитлар билан таништириб, қабул махсус жадвал асосида олиб борилишини тушунтирди. Хусусан, ҳафта давомида мактаб директори, унинг ўқув, маънавий-маърифий ҳамда ҳўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари, мактаб руҳшуноси масъулликда қабул кунлари ташкил этилади.

Ҳар бир ота-она фарзандининг таълим олиши билан бирга тарбиясига, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамоллигига алоҳида эътибор қаратмоғи зарур. Шунга тўла эришиш мақсадида ташкил этилган қабулхонага ташаббус қўйган мулоқотлар журналга қайд этилиб, уч кун муддатда мактаб ишчи гуруҳи йиғилишида кўриб чиқилади ва ҳар ҳафта якунида уларнинг ечимлари юзасидан ҳисобот тайёрланади.

Мулоқотда иштирок этган ота-оналарда педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммад Куроновнинг "Болам бахтли бўлсин, десангиз" китоби катта қизиқиш уйғотди.

Сарвиноз БАҲОДИРОВА, "Қамолот" ЁИҲ Бекобод тумани бўлими фаоли.

Бировга айтсанг ишонмайдиган иш бўлди-да. "Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам қўшалок келди", деганлари тўғри экан. Мана, бир йўла ҳам биринчи муҳаббатимдан, ҳам бир жуфт садафдек тишларимдан айрилиб ўтирибман.

Кимни суйсангиз суйинг-у, аммо тиш дўхтирига ишқингиз тушмасин экан.

Китоб мутлоасига берилиб кетган эканман, тақиллаган товушдан ўзимга келдим. Остонада ҳассасини ўқталиб бувим турарди.

У-ўв, бола, ўн беш йил ўқиганинг етмайди-ми? Институтни битириб бўлдинг-ку, яна имтиҳон топширасанми?

Олим бўлсанг, олам сенки, дейишган, бувижон, - дедим гапни ҳазилга буриб.

Ола-а, шу пайтгача ақалли битта кизнинг кўнглини ололганинг йўқ-ку, оламни олишга йўл бўлсин сенга, ландавур.

Бугунги суҳбат жиддий бўлишини фахрлаб, китобни ёпдим.

Маҳалланинг мағриб томонида бир қиз бор, дедим, алданинг, машриқ томонида бир қиз бор, дедим, алданинг... - бувим рўмолининг учи билан кўзёшларини артиб, давом этди:

У қиз ёқмайди, бу қиз ёқмайди... Ойнага бир қара. Кериладиган келбатинг бўлса ҳам майли эди.

Бу ёғига чидаб туролмадим, бувимнинг гапини шартта бўлдим:

Тўғриси айтсам, яхши кўрганам бор. Бу сафар алдэтганим йўқ. Тўйга ҳозирлик кўраверинглар.

Бу гапни даҳлизда эшитиб турган келиноним уйни йиғиштириш баҳонасида қизнинг кимлигини билиб олмоқчи бўлди:

Мабодо, бўлғуси келинимиз туманга янги ишга келган тиш дўхтири эмасми?

Ноқулай аҳволдан бундай осон қутулганимдан хурсанд бўлиб кетдим:

Балосиз-да, янга, қаёқдан била қолдингиз? Лекин ҳеч кимга айтманг, бу хозирча сир.

Эртасига катъий қарорга келиб, тўғри стоматология поликлиникасига бордим, керакли маълумотларни суриштириб билдим. Янги тиш дўхтирининг исми-шарифи Назокат Бтировна экан. Ўзи тошкентлик, институтни битириб, йўланма билан ишга келибди.

Назокатхонни кўрдим-у, юра-

ТИШ ДЎХТИРИГА ИШ(Қ)ИНГИЗ ТУШМАСИН...



гим жиз этди. Оқ халат кўхликкина қизни янада сулув кўрсатарди.

Қайси тишингиз оғрипти? - деб сўради мен креслогга ўтиргач.

Тепедагиси, - дедим тавақкал қилиб.

Тепедаги тишларингиз сопна-соғ, - деди у ланг очик оғзимга тикиларкан.

Бўлмаса пастдагиси, - дедим гап тополмай.

Тишларингиз бус-бутун-ку? - деди у ҳайрон бўлиб.

Даволайверинг, барибир бир кун оғрийди-да, - дедим гапни ҳазилга буриб.

Унинг камондай қошлари чи-

мирилиб, чехраси жиддийлашди.

Туринг, бемор, ўша... бир кунни оғриганда келасиз...

Шу вақтгача бирор марта тишим оғримаганига хафа бўлдим. Лоақал биттаси оғриганида ҳам танишиб олардим-а. "Майли, - дедим ўзимга-ўзим, - энди чекиниш йўқ, севги кўрбонсиз бўлмайди. Битта-иккита тишингиз бахридан ўтсак ўтибмиз-да".

Кечкурун Ғулмуҳоммаднинг гапга бордим. Тўртта ликопчадаги ёнғоқни тишим билан чақиб, "Олмаҳон" деган лақаб орттирдим. Камига, уйда бувим дорилка олиб кўйган бир халта тошдай қаттиқ бодомларни ҳам чақиб бўлдим. Лекин, тиш оғриғидан ҳамон дарак йўқ. Бозордан ёнғоқ, данак, бодом, туршак сотиб олиб келиб, яширинча машини давом эттирдим.

Ниҳоят, орадан бир ҳафта ўтиб, интизор бўлиб қутилган тиш оғриғи бошланди. Ёш боладай суюниб, Назокатхоннинг қабулида ҳозир у нозир бўлдим.

Вой-бў, тишларингизнинг расвоси чиқиб кетибди-ку, - деди у ва лунжимга муздай дори пурқадди. Шу пайт бармоғидаги никоҳ узугига кўзим тушди. Оғзимдаги дорини шовилганимдан ютиб юбордим.

Узук... ўзингизникими? - дедим каловлиниб.

Фаросатдан роса берган экан-да, бировнинг узугини тақадиган одатим йўқ.

Ахир бир ҳафта олдин йўқ эди-ку? - дедим бўшашиб.

Синчок экансиз, - деди Назокатхон гулдек очилиб, - Музаффар акамлар билан охириги курсда турмуш кўрган эдик. Биринчи маошимизга узук оламиз, деб ният қилгандик. Шу ниятимизга...

Бошқа гаплари қулоғимга кирмади. Ўрнимдан отилиб туриб, хонадан учиб чиқдим.

Рустам ХУДОЙҚУЛ.

Ҳайрат

Гўзаллик кўнгида тугилади. Қўл, ҳаракат, овоз ва ҳоказалар шунчаки уни инфодаловчи восита, холос. Муҳими, ҳайрат аталмиш ноёб туйғунинг кўнгида макон топишидир. Буюк "чевар" тақдиримизни шу

қадар моҳирона яратганки, босиб ўтган йўлимизда ниманидир йўқотсак, келаятган муолишда недир топамиз. Буни теран англаган донолар: "Ҳар бир маҳрумийат бир муассариятдир...", дея лутф этганлар.

МОҲИРУ МЕҲРУ МАҲОРАТ...



Қаҳрамонимиз, бўстонликлик Жасур Жумаев ҳайрат одами. Унинг излагани гўзаллик, улашгани ҳайратдир. Тангри оқтирган истеъдод уни-да четлаб ўтмаган. Гап аввалида айтганимиздек, кўнгида ин қурган гўзаллик инсоннинг юз-кўзига, борингки, соғлом ёки имконияти чекланганига қараб ўтирмайди. Пок ва самимий қалб, меҳнату матонат эгаси бўлган киши борки, шу олам асирига айланади. Шу маънода, ҳақиқий ижод илоҳийдир. Ёшлигида олган жароҳати Жасурнинг юриш имкониятини чеклаб қўйди. Бироқ, у дилига тўққан орзуларидан бир нафасга ҳам воз кечмади. Ақсинча, уларга янада кўпроқ интилдди.

Яратган Жасур Жумаевга икки ҳисса истеъдод берди. У нозик дидли рассом бўлиш билан бирга, сомон санъати устаси ҳамдир. Биз кўндалик ҳаётимизда учратадиган, аммо эътибор қилмаганимиз - оддий сомондан чексиз завқ улашувчи, хаёли олис-олисларга етаклаб кетувчи гўзал бир олам ярата билиш ҳаммаининг амали вақтида ўзи таҳсил олган Камолитдин Бехзод номидидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга сабоқ берапти.

Шунингдек, устахонасида шогирдларига касб сирларини ўргатмоқда.

Сомон санъати аниқликни талаб қилади. Унда бўёқнинг ташвирлигасини таъсирини иславланмаслигидек туширишда мураккабликни юзга келтириши мумкин. Албатта, бу машғулотлар давомида йўқолиб, ижодкор тасвирдан-тасвирга пишиб бораверади, - дейди суҳбатдошимиз. - Акс этадиган образнинг шаклига қараб, ёввойи жавдар ва сомон поялари сараланади. Сўнг керакли ўлчамга келтирилади. Жараён босқичма-босқич давом этади. Олтиндек товланган тасвир томошабинини ўзига жалб қилиш асно-

эмасдим. Устозимнинг мен билан сидқидилдан шуғулланиши қизиқишимни оширди, - дейди Жасур. - Ўтган йиллар мобайнида шунга амин бўлдимки, киши бир ишга астойдил киришса, йўлида дуч келган тўсиқ ва қийинчиликларни мардонанг ибтидо, ҳалол меҳнат қилиб, орзулари томон дадил одимласа, албатта, муродига етаркан.

Ёш сомон устаси мамлакат ва халқро миқёсдаги 70 дан зиёд кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, ўзбекистонлик ёшлар салоҳияти ва ижодкорлигида ҳеч қимдан кам эмаслигини амалда исботлаб келаяпти. Унинг ижодий изланишлари юртимизда ҳам муносиб



эътироф этилмоқда. 2012 йилда "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишонини, 2015 йилда эса "Жасурат" медали ҳамда "Эътироф - 2015" тақдирлаш маросимида "Йилнинг энг ёш хунарманди" йўналишида ғолибликни эгаллади. Қаҳрамонимиз айни вақтда ўзи таҳсил олган Камолитдин Бехзод номидидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга сабоқ берапти.

Мухтасар айтганда, ҳар қандай санъат тури инсонни гўзалликка, эзгуликка ундаши, унинг дилида мунаввар туйғуларни камол топтиришга хизмат қилиши лозим. Шу мезондан туриб, санъатни руҳий тарбиячиси дейиш мумкин.

Абдулло МУСАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Фотонигоҳ



Кўклам умиди...

Ҳасан ПАЙДО сурат-лавҳаси.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 25 февраль кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Фарбдан секундига 5-10 метр тезликда эсаётган шамол секундига 12-15 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 2-4, кундузи 10-12 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёмғир ёғиб, туман тушиши мумкин. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол айрим жойларда секундига 15-20 метргача кучаяди. Кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёғингарчилик бўлиб, туман тушиши мумкин. Қор қўчиши хавфи бор. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол айрим жойларда секундига 15-20 метргача кучаяди. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

Эъзога АБДУМАЛИКОВА тайёрлади.

Илм-фан янгиликлари

ЎЗИМИЗНИНГ ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ

Дунё автомобилсозлик санъатида электромобиль ишлаб чиқариш соҳаси жадал ривожланимоқда. Бу борада дунёнинг етакчи концернлари аллақачон ўз позициясини оммага етказишган - электромобиллар келажак лойиҳаси!



Қувонарлиси, бу борада мамлакатимизда ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Хоразм вилоятидаги "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасининг бутлов

заводида яқин йилларда ана шундай уловлар оммавий равишда ишлаб чиқарила бошланиши мумкин. Бу жараёнда маҳаллий тадқиқотчилар яратган қўлаб ишланма ва лойиҳалар тақдим этилди. Шулардан бири - Тошкентдаги Турин политехника университети талабалари томони-

дан ишлаб чиқилган электромобилдир. Мутахассисларда катта қизиқиш уйғотган икки ўриндиқли, бежирим дизайнга эга бўлган электромобил мамлакатимиз автосаноати раёнақига ҳисса қўиши қутилмоқда.

Эъзога АБДУМАЛИКОВА тайёрлади.

Table with contact information for 'TOHKENT HAQIQATI' newspaper, including address, phone numbers, and subscription rates.